Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 23 октябрь, жума № 209 (21.307).

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА. ТАЙЁРМИСИЗ?

СУСТКАШЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ МАЖЛИСИДА ҚИШГА МЕВА-САБЗАВОТЛАР ТАЙЁРЛАШ, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИ УЧУН ЕНИЛҒИ ЗАҲИРАЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ҳавонинг авзойи тундлашган шу кунларда одамлар ҳар донмгидек қиш ғамини ейиш тараддудига тушиб қолишди. Бозордаги картошка, мева-чева ва бошқа зарур маҳсулотларнинг баҳосидаги беқарорлик ана шу ташвиш билан юрган хонадон соҳиблари кўнглида ҳижиллик туғдиради. Оилалар қишда бу йил хонадонлар қандай иситилишини ўйласалар, уловдорлар ёнилғи муаммоси қачон бартараф бўлишидан ташвиш чекадилар.

17 октябрь куни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлис аҳли Ватанимиз фуқароларнинг ана шу борадаги ташвишларини енгиллатиш чораларини муҳокама этди. Кун тартибидаги масалалар инсонлар тақдири мустақил республикамиз келажаги учун ғоят муҳимлиги боис мажлисда республика вазирликлари, концернлари, ассоциациялари, уюшмалари, банклари, олий ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Дастлаб мажлисда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш, уларни қиш учун сақлаш ҳамда қишлоқ хўжалик ишларининг аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Об-ҳавонинг ноқулай келиши, кузнинг эрта тушиши деҳқонларимизнинг ҳар галгидан кўпроқ заҳмати эвазига етиштирилган мўл ҳосилни тез ва исрофгарчиликсиз йиғиб-териб олиш ҳамда республика аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга эришиш учун бор кучғайратни сафарбар қилишга ундайди.

Айрим раҳбарлар ана шу сафарбарлик ҳиссини туя олмаяптилар. Республика бўйича сабзавот маҳсулотларини қишга тайёрлаш сust бормоқда. Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳри омборларида ўтган йилнинг шу кундагига нисбатан кам картошка ғамлаб қўйилган. Бу вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари ғоят муҳим масала устидан назоратни пасайтириб юборганидан далолатдир.

«Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» бўлинмаларида маҳсулотларни сақлаш қониқарсиз аҳволда. Айни вақтда кўп миқдордаги мева ва сабзавот маҳсулотлари республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилишига йўл қўйилаётир. Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ресурслар мавжуд бўла туриб, пиёз сақлаш режалари чўзиб юбориляпти. Савдо ташкилотлари, айрим кичик корхоналар пиёзни хўжаликлардан нисбатан кўпроқ ҳақ тўлаб сотиб олаётгани, бозорда эса анча қимматига сотаётгани шикоятга сабаб бўлмоқда. Ўз халқини шундай мушкул пайтда ҳимоя қилиш ўрнига талон-торожга йўл очаётган бундай хўжалик раҳбарларини тийиб қўйиш фурсати келди.

Сабзавот тайёрлашда Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари, айниқса, орқада қолмоқдалар. Бу вилоятларда белгиланганига нисбатан атиги 70 фоиз маҳсулот сотиб олинган, холос. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни, «Ўзкооптайёрловсавдо» ташкилотларининг мева ва сабзавот дўконлари қарийб бўм-бўш. Айрим дўкон сотувчилари энг яхши маҳсулотларни бозор чайқовчиларига пуллаб, дўконда маҳсулотлар ўтмаётганини рўкач қилишмоқда. Халқнинг кўзини бўяш ҳисобига бойлик орттираётган бундай кимсалар иш кўраётган жойларда зудлик билан тартиб ўрнатиш зарур.

Бу йил давлатга 137,3 минг тонна сабзи топширилиши керак. Афсуски, октябрь ойининг биринчи ярмигача эндигина 44,4 минг тонна сабзи топширилди. Бу каби сусткашлик бозорда сабзининг нархи ошиб кетишига олиб келди. Оқибатда халқ жабр кўрмоқда.

Саноат чорваси ва паррандачиликдаги ишларнинг аҳволи ҳам кўнгилдагидек эмас. Янги маккажўхори дони мавжуд бўлгани ҳолда асосан озуқа ишлаб чиқариш учун давлат ресурсларини жалб қилиш бўйича лозим даражада принципиаллик ва фаоллик кўрсатилмаяпти. Жумладан, Бухоро вилоятида 8,8 минг тонна маккажўхори йиғиб олингани ҳолда, атиги 1197 тонна доғ топширилган. Самарқандда ҳам аҳвол шунга монанд.

Шоли йиғиш ва тайёрлашда ҳам сусткашлик рўй бераяпти. Кузги дон экиш муддати чўзиб юборилаяпти. Деярли барча вилоятларда бу соҳадаги кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давридагидан анча паст. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишнинг кечикишидаги табиий сабаблар кўпчиликка тушунарли. Бироқ ҳосил етилган. Шароит мавжуд жойларда ҳам пахта териш суръати сустлиги ғоят катта ташвиш уйғотади. Барча хўжаликларда пахта териш машиналари ва қўл терими учун иш қўлланмалари мавжуд. Аммо меҳнат ресурслари ва машиналар ишга тўла жалб қилинмаган.

Шу масала бўйича фикр билдирар экан, республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков юқоридаги мулоҳазаларнинг ҳақиқат эканлигидан ташвишланаётганини изҳор этди.

(Давоми иккинчи бетда).

Бугунги терим жабҳаси машиналарнинг соз ишлашини тақозо этмоқда. Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалигида 33 та терим машинаси ишлаб турибди. Уларнинг бир маромда ишлашини таъминлашда Худойқул Отақулов бошлиқ ремонтчилар бригадаси аъзолари ғайрат кўрсатишяпти.

Суратда: 30 йилдан бери машина ремонтида суяги қотган Х. Отақулов.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 22 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1,92	68,96
Андижон	2,14	67,49
Бухоро	2,58	67,04
Наманган	2,65	59,75
Қашқадарё	3,27	56,10
Сурхондарё	1,80	55,55
Хоразм	2,19	54,74
Қорақалпоғистон Республикаси	2,43	46,27
Тошкент	4,20	40,15
Навоий	3,02	39,56
Сирдарё	3,85	27,76
Самарқанд	2,73	25,55
Жиззах	3,57	23,00
Республика бўйича	2,77	50,07
1991 йилдагиси	1,20	93,15

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишда қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини рағбатлантириш моддий-техника ва энергетика ресурсларига ошиб кетган харажатларни қоплаш, шунингдек хўжаликларнинг иқтисодиётини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 1992 йилги ҳосилдан бошлаб давлат буюртмаси ҳисобидан давлатга сотиладиган пахтанинг амалдаги харид нархлари 1,5 баравар оширилсин (хўжаликлар пахта тайёрлаш режасидаги маҳсулотнинг 15 фоизини ва режадан ташқари пахта ҳажмини эркин шартномавий нархларда сотадилар).

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ пахта заводларининг сотилган пахта учун хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилиш тартибини ишлаб чиқсин. Бунда даромадлар холисона тақсимланиши кўзда тутилиб, молиявий қоидалар бузилишига ва суиистеъмолларга йўл қўйилмасин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги пахтанинг янги харид нархлари ҳамда пахта толасининг улгуржи нархлари прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 октябрь.
(Фармонга шарҳни иккинчи бетда ўқийсиз).

Жамғарма таъсис конференцияси

22 октябрь куни Тошкентда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров «Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаклланиши маҳаллалар аҳолисига ғамхўрлик инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир», ташаббускор гуруҳ раҳбари Шукур Темуров «Маҳалла» хайрия жамғармаси «Низоми» мавзуларида маъруза қилишди.

Шундан сўнг сўз олган нотиқлар республика Президенти Фармони билан ташкил этилган бу хайрия жамғармаси маҳаллаларнинг янада равнақ топишига катта ҳисса қўшади, деб таъкидладилар.

Кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 59 кишидан иборат бошқарув органи сайланди. Йиғилганлар республика Президенти Ислом Каримовни якдиллик билан жамғарманинг фахрий президенти, Ш. Темуровни жамғарма раиси этиб сайладилар.

Таъсис конференцияси қатнашчилари республика маҳалла оқсоқоллари ва аҳлига Мурожаатнома қабул қилдилар.

* * *

Шу куни жамғарманинг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 13 кишидан иборат бошқаруви сайланди.

(ЎзА).

ХДП: одамлар орасида

ҚЎРИҚ ВОҲА МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов 21 октябрь куни Сирдарё вилоятида бўлди. Биринчи котиб қўриқдаги Шароф Рашидов районидаги дала меҳнаткашларининг етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш йўлида олиб бораётган ишлари билан танишди, механизаторлар, теримчилар билан суҳбатлашди ва уларнинг ҳол-аҳволи, маданий-маиший шароитлари билан қизиқди. ХДП аъзоларининг ҳозирги долзарб дамлардаги юмушлари гаплашиб олинди.

Биринчи котиб шунингдек, вилоятнинг бошқа районлари ва хўжаликларида ҳам бўлиб, йиғим-теримнинг бориши билан атрофлича қизиқди. Куннинг иккинчи ярмида эса биринчи котиб Янгиер ҳамда Гулистон шаҳри саноатчилари билан учрашди. Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида ишчилар, инженер-техник ходимлар, партия аъзолари билан фикр алмашувлар бўлди.

Гулистон шаҳрида барпо этилган «Нафосат» қўшма корхонаси кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Бу корхона қисқа муддатда, яъни беш ой мобайнида бунёд этилди. Шу кунларда эса дастлабки маҳсулот чиқариш мақсадида созлаш ва синаб кўриш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Биринчи котиб мазкур корхона ишини кўздан кечирди.

Сафар чоғида М. М. Расуловга Сирдарё вилояти ҳокими Б. Маҳмудов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов ҳамроҳ бўлдилар.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА УЧРАШУВЛАР

КЕЛАЖАК МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

Аввал хабар берганимиздек, яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ушбу партия раҳбариятининг муаллимлар, халқ таълими ходимлари билан учрашуви ўтказилди.

— Биз, — деди Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расулов учрашувдаги сўзида, — мактаб, маориф, тақдирига бефарқ бўла олмаймиз, чунки гап болаларимиз, тақдиримиз, келажагимиз устида бормоқда. Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни тараққий этган давлатлар даражасига кўтариш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш ҳам кўп жиҳатдан шу соҳага боғлиқдир.

ХДПнинг Дастурида ушбу масалага муносабатимиз, эзгу ниятларимиз ва мақсадларимиз аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Партиямиз Раиси, республикамиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз ҳозирги жуда қийин шароитда уларни амалга оширишнинг барча зарурий чораларини кўрмоқдалар. Ёш авлодни тарбиялаш масалалари республика раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Буни Олий Кенгаш томонидан халқ таълими тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, Президентимизнинг ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга доир фармонлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Лекин барча соҳаларда бўлгани каби халқ маорифида ҳам муаммолар кўп. Уларнинг ечимларини топиш тўғрисида биргалашиб фикрлашсак яхши бўлади.

Учрашув қатнашчиларидан Акмал Икромов районидаги 106-мактаб ўқитувчиси Отахон Исахонов, Собир Раҳимов районидаги 24-мактаб ўқитувчиси Ҳатима Қодирова, шу райондаги 119-мактаб директори Даливой Турсунов, 45-кечки мактаб директори Тинчибой

(Давоми иккинчи бетда).

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

● Ўзбекистон металлургия заводидан Японияда-ги «Тойота цусе корпорейшн» деб аталган машҳур автомобиль ишлаб чиқарувчи фирмага кўп миқдорда махсус пўлат жўнатилди. Бу маҳсулот завод билан фирма ўртасида тузилган шартнома доирасида юборилди.

Ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасидаги ҳамма ишлар бир неча ойда битди. Августда «Тойота» делегацияси корхонага келиб кетди. Дарров умумий манфаатлар аниқланди: уларнинг бири арматура пўлатини сотадиган, иккинчиси сотиб оладиган бўлди. Жаҳонга машҳур автомобилсозлар Бекобод металлургларининг Япония, Кипр, Исроил фирмалари билан тузган шартномаларидан хабар топгач, завод раҳбариятига мурожаат этиб, экспорт талабларига мослаб тайёрланган нусхалардан эмас, балки кўплаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нусхаларидан синов учун юборишни илтимос қилдилар. Илтимос тез бажарилди.

Заводдагилар синов натижалари ҳақида телеграф орқали юбориш ваъда қилинган жавобни ҳаяжон билан кутдилар. Аммо ҳа деганда жавоб келавермади. Бироқ фирманинг экспорт-импорт бўйича мутахассиси Никамура жаноблари тўсатдан заводга етиб келди. Синов муваффақиятли ўтди ва менга шартномани имзолаш ваколати берилди, деди у. Ҳамма шартлар икки кун ичида келишиб олиниб, зарур ҳужжат тайёрланди. Бир неча ҳафтадан кейин иккита пўлат қуйиш цехида ишлаб чиқарилган арматура пўлатининг бир миқдори олис мамлакатга жўнатилди.

Японлар пўлат учун дуруттина ҳақ ваъда қилишди, деб ҳисоблайди завод техника бўлимининг бошлиғи Б. Дадикин. Бир тонна пўлатга 238 доллар тўланадиган бўлди.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

СИЗ:

- **«ГКЧПдан чиққан қаҳрамон»** — («Ўзбекистон овози», 8 апрель 1992 йил),
- **«Хиёнат»** («Ўзбекистон овози», 22 июль 1992 йил),
- **«Ошхонадаги очкўзлар»** («Ўзбекистон овози», 25 июль 1992 йил),
- ***«Сирли калит»*** («Ўзбекистон овози», 5 август 1992 йил),
- **«Тижорат ниқобидаги қароқчилик»** («Ўзбекистон овози», 7 август 1992 йил),
- ***«Тижорат дўконидаги қотиллик»*** («Ўзбекистон овози», 14 август 1992 йил),
- **«Савдо: эски ҳаммом—эски тос»** («Ўзбекистон овози», 25 август 1992 йил),
- **«Шакар операцияси»** («Ўзбекистон овози», 12 сентябрь 1992 йил),
- **«Савдодаги ғавғолар»** («Ўзбекистон овози», 13 октябрь 1992 йил)

каби фельетон, рейд ва танқидий мақолаларни ўқиган эдингиз. Агар ушбу мақолаларимизнинг натижасини билмоқчи бўлсангиз «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Бизнинг нашримиз мушторийларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши марҳамати билан йиллик обуна баҳоси-таннархи (640 сўм)га қараганда обуначи фойдасига 256 сўм кам қилиб белгиланган энг арзон газетадир.

Демак, унинг бир йиллик обуна баҳоси — 384 сўм. Шундан келиб чиққанда, сотувда 3 сўм турадиган газета обуначига 1,5 сўмга тушади.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилиш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

«ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Пахтачилик республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи эканлиги ҳаммага маълум ва бу тан олинган гандир. Зотан, қишлоқ меҳнатчиларимиз турмушининг фаровонлиги шу соҳадаги ишларнинг аҳволига ҳал қилувчи даражада боғлиқ.

Жорий қишлоқ хўжалик йили ниҳоятда оғир келди. Биринчидан, баҳорги ноқулай об-ҳаво шароитлари талайгина майдонлардаги чигитни анча кеч муддатларда қайтадан экишни тақозо этди, серёмғир келган куз эса ҳосилни энг мақбул қисқа муддатларда ва энг кам сарф-харажатлар билан йиғиб-териб олиш суръатларига жиддий таъсир қилди. Иккинчидан, республикага олиб келинаётган энергия манбаларининг нархлари бир неча баробар ўсгани, моддий-техника ресурслари ҳамда машина-ускуналар қимматлашгани пахта етиштириш ва тайёрлаш сарф-харажатларини ҳам худди шундай ошириб юборди. Ва, ниҳоят, учинчидан, товарлар ва маҳсулотга нархлар эркин белгиланаётгани қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақи ўз вақтида, баъзан эса олдиндан оширилиши ҳамда аҳолининг муайян тоифаларига қонунда кўзда тутилган имтиёзлар берилиши таъминланишини талаб қилди.

Мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, республика Президенти ва ҳукумати жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодиётини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳлимизнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш юзасидан йил мобайнида бир қанча аниқ чора-тадбирларни амалга оширдилар. Чунончи, қишлоқ хўжалигида қўшимча қийматдан олинадиган солиқни бекор қилишнинг ўзигина қишлоққа 23 миллиард сўмни тежаб қолиш имконини берди. Шу йилнинг март ойида пахтанинг харид нархлари қайта кўриб чиқилиб, 1991 йилга нисбатан ўрта ҳисобда 6 баравар оширилди, деҳқончилик маҳсулотлари бошқа барча турларининг харид нархлари ҳам бир неча марта қайтадан кўриб чиқилиб, кўпайтириб борилди. Бундан ташқари электр қувватидан, кўмир ва табиий газдан фойдаланганлик учун ўзаро ҳисоб-китоблар чоғида хўжаликларга имтиёзлар берилди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, республикада қишлоқ хўжалиги барча турдаги солиқлардан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат буюртмаси ҳисобидан давлатга сотиладиган пахтанинг харид нархларини 1,5 баравар ошириш тўғрисидаги Фармони — шу йўлда қўйилган навбатдаги қадамдир.

Харид нархларининг оширилиши хўжаликларга салкам 30 миллиард сўм миқдорида қўшимча даромад олиш имконини беради. Бу маблағлар умуман қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақини сўзсиз оширишгагина сарфланиб қолмай, шу билан бирга Ўзбекистонда энг оз миқдори 2000 сўм қилиб белгиланган иш ҳақи тўланишини таъминлашга ҳам сарфланади. Энг муҳими эса у республикадаги пахтакор хўжаликларнинг ғоят мақбул тарздаги рентабеллигини таъминлаши лозим.

Бунда шуни назарда тутиш муҳимки, хўжаликлар буюртма берилган ҳажмнинг 15 фоизини ва режадан ташқари пахтанинг ҳаммасини эркин бозор нархларида сотадилар. Бу эса ўз навбатида хўжаликлар ва қишлоқ меҳнатчилари даромадининг қўшимча манбаидир.

Давлат кечиктириб бўлмайдиган бундай чора-тадбирларни онгли равишда амалга оширяпти. Бу чора-тадбирлар етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишда қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришни ҳамда республика хўжаликларининг иқтисодиётини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишни таъминлаши лозим.

АНДИЖОН: ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА 10 МИЛЛИОН СЎМ

● Ўзбек халқининг фахри, улуғ ва мўътабар инсон Шароф Рашидов ҳақида ёзиш ғоят мароқли! У Андижон вилоятида ҳам ўчмас из қолдирган. Шароф ота Марказий Фарғона чўлқуварларининг саркардаси эди, десак ҳеч янглишмаймиз. Аслида ҳам андижонликларни чўлга бориб ер очишга даъват этган ўша улуғ зотдир. Бўз ва Комсомолободда унинг номини ҳурмат-эҳтиром, миннатдорчилик билан тилга олишади.

ХАЛҚИМИЗНИНГ АРДОҚЛИ ОТАСИ ЭДИ



Қаюм ХОЛМИРЗАЕВ,

Андижон вилояти ҳокими

Бизда биринчи қурилган оқ уй бор. Чўлқуварлар уни асраб-авайлаб музей қилиб қўйишган. Биз уни фахр билан Шароф Рашидовнинг оқ уйи, деб атаймиз. Бу эзъоз — Марказий Фарғона чўлини ўзлаштириш бўйича республика қароргоҳининг бошлиғи бўлган Шароф Рашидовга халқнинг меҳр-муҳаббатидир. У ҳар гал чўлга келганида: «Қўриқ очганнинг бахти очилади. Дунёда еримизни яшнатишдан, уни гўзалликка буркашдан, халқ фаровонлигини оширишдан олижаноб иш йўқ», дер эди.

Отанинг инсонни жасоратга чорловчи бу гаплари авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мангу қўшиққа ўхшайди. Бугун унинг пойқадами етган жойларда гул уняпти. Бўз, Комсомолобод қўриқларида шаҳармисол қишлоқлар пайдо бўлган.

Чўлгулистонга сув келтириш, Катта Андижон каналини қуриш ишига ҳам Шароф Рашидов бош-қош бўлган эди. Марказий Фарғонанинг қоқ ўртасидан ўтган бу канал халққа ҳузур-ҳаловат олиб келди. Эндиликда канал атрофи жаннат бўлиб кетди, жаннат! Унинг икки соҳилидаги сўлим қишлоқлар, боғ-роғлар, пахтазорларни кўрганимда беихтиёр Шароф Рашидов келажакни олдиндан кўрадиган буюк инсон эканлигига яна бир бор тан бераман.

Раҳматли ажойиб одам эди. Ҳар доим Андижонга келганида механизаторлар, суяги пахтачиликда қотган оқсоқоллар, катта-кичик раҳбарларни бир ерга йиғиб улардан ҳол сўрарди: «Сизларни кўрганимдан хурсандман», дерди. Кейин қилинган ва қилинадиган ишлар ҳақида суҳбатлашарди, фикр алмашарди. Ўзига яқин одамлар бетоб ётса, албатта бориб кўрарди, қазо қилганлар бўлса ҳамдардлик билдиришни канда этмасди. Унинг дилкашлиги, самимийлиги, меҳрибонлиги, камтарлиги, буюк давлат арбобига хос улуғворлиги, салоҳияти ҳаммага ёқарди.

Ўзбекистонда жуда кўп сув иншоотлари қурилдики, улар эндиликда жаҳон ирригацияси ва мелиорацияси тарихида ўзига хос лаборатория бўлиб қолди. Ана шундай улкан иншоотлардан бири Андижон сув омборидир. Халқ бу йирик иншоотни қуриш учун роппа-роса ўн тўққиз йил меҳнат қилди. Қорадарё йўлини тўсиб, ноёб тўғон қурди. Салобатли иккинчи тоғни туташтирди. Бу масолни батафсил айтишдан муддао шуки, Шароф Рашидов ҳам иншоот қурилишига ўн тўққиз йил қатнаган. Кўп долзарб масалаларни бевосита қурилиш майдонининг ўзида ҳал қилиб турган. Яқинда Андижон сув омборига Шароф Рашидов номи берилди.

Андижон ип-газлама бирлашмаси, Андижон тиббиёт илмгоҳи ва унинг клиник шифохонаси, собиқ пахтачилик, ҳозирда қишлоқ хўжалик олий илмгоҳининг пойдеворига ҳам биринчи ғиштни жумҳурият отахони қўйиб берган. Бундай мисоллар кўп...

Ўзбекистонда кадрлар оммавий қораланган вақтда Шароф Рашидов шаъмига билиб-билмай тош отувчилар ҳам топилди. Президентимиз Ислом Каримов бундай қора ниятли шахсларнинг танобини тортиб улуғ иш қилди. У дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этишни қатъий қилиб қўйди. Бу, халқнинг дилидаги гап бўлди.

Жумҳуриятимизнинг ҳамма жойида, жумладан, Андижон вилоятида ҳам Шароф Рашидовнинг 75 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Шаҳар ва қишлоқларда, олий илмгоҳларда, билим юртларида Шароф отанинг ҳаёт йўли, давлат арбоби, ёзувчи сифатидаги фаолияти ҳақида суҳбатлар ўтказиляпти. Андижон сув омбори билан бирга Қўрғонтепа районидаги Дзержинский номли, Олтинкўл районидаги «Партия XXI съезди» жамоа хўжаликлари, Андижон шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Шароф Рашидов номи берилди.

Республикада Шароф Рашидов фонди ташкил этилгани яхши бўлди. Андижонликлар бу хайрли ишдан четда қолмайдилар. Вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши, трикотаж фабрикаси, вилоят йўллар бошқармаси, ип-газлама бирлашмаси, «Намуна» савдо-саноат бирлашмаси, вилоят савдо концерни, «Андижонбанк», вилоят мева-сабзавот тайёрлаш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар Шароф Рашидов жамғармасига қарийб 10 миллион сўм пул ўтказишга қарор қилдилар.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК КЕНГАШИ

Нурота районидаги «Қизилча» давлат наслчилик хўжалигида вилоят қоракўлчиларининг қишловолди кенгаши бўлиб ўтди.

Унда вилоят хўжаликларидаги 1,5 миллион қўй, 10 минг бош йилқи, 9 минг бош туя, 4 минг бош қорамолни беталофат олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

(Ўз мухбиримиздан).

КЕЛАЖАК МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Пўлатов, Мирза Улуғбек районидаги 241-мактаб ўқитувчиси Ҳабиба Олимова, Юнусобод районидаги 554-болалар боғчаси тарбиячиси Ҳусния Ризаева, Ҳамза районидаги 421-болалар боғчаси мудираси Т. К. Карижская, Чилонзор район халқ таълими бўлими мудири Малик Абдумаликов, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг масъул ходими Ислом Зокиров, санъатшунос Баҳриддин Насриддинов, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Долимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги тест синови маркази директори Ислом Турсунов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби Муқимжон Қирғизбоевлар ўз шахсий кузатувлари, турли муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларию, уларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги истак ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ҳар қандай мактабнинг пойдевори бошланғич синфлардир. Шундай экан бошланғич таълимга алоҳида эътибор бериш, уни тажрибали муаллимлар, миллий хусусиятлар асосида тузилган дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, синфлардаги болалар сонини оқилона меъёрдан оширмаслик талаб этилади.

Миллий мактабга монанд дарсликларни яратиш муаммоси энг долзарб вазифалардан биридир. Бунда олимлар, ноширлар ва тажрибали ўқитувчилар кучини бирлаштириш вақти келди. Дарсликлар масаласининг бошқа бир томони, яъни уларнинг босма сифати жуда пастлиги тўғрисида суҳбатдошлар куюниб гапирдилар.

Учрашувда ёш авлоднинг маънавий дунёсини шакллантиришда гуманитар фанларнинг ҳиссасини ошириш мақсадида уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар билан бойитиш, жозибали бўлишига эришиш, мактаб ва диннинг ўзаро муносабатларига доир тадқиқотлар ўтказиш масалалари катта ўрин эгаллади.

Бозор муносабатларига ўтилиши сабабли мактабда иқтисодий таълимни йўлга қўйиш, кам таъминланган оилалардан бўлган иқтидорли болаларнинг ўқишини давом эттириш учун давлат ва жамият барча шароитлар яратиб бериши керак.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мактаб ислоҳотини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида йиғилганларга атрофлича гапириб бериб, учрашувда ўртага ташланган муҳим масалаларни вазирлик алоҳида назорат остига олишини билдирди ва ўқитувчиларнинг турли саволларига жавоб қайтарди.

Маҳмуджон Расулов учрашувга якун ясаб, муаллимларни республикамиз раҳбариятининг доимий ғамхўрлигига жавобан ёш авлодни истиқлолимизга муносиб этиб тарбиялашга, миллий кадрларни тайёрлаш ишида маорифимизнинг ҳиссасини ошириб боришга чақирди ва Ўзбекистон зиёлиларининг энг катта қисми ўқитувчилар жамият учун муҳим бўлган ўз фаолиятларида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ҳамиша таянишлари мумкин, деб уларни ишонтирди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

СУСТКАШЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛСИН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биз ўтган йили ҳам оғир шароитларда ҳосил етиштирганмиз, деди у. Бироқ масъулиятни чуқур ҳис этиб ишлаганимиз туфайли режаларни уддалашга эришгандик. Аммо бу йил ҳамма соҳада — пахтачиликда, шоличиликда ва сабзавотни йиғиб олишда ҳам 20—25 фоиз орқадамиз. Ҳамма нарсага табиатни айбдор қилиб ўтиришдан наф йўқ. Бунинг ўрнига меҳнат қилиш керак. Ишлаганлар оғир шароитга қарамай, режаларни уддалаяпти ҳам. Биз шу кунгача маккажўхорининг қарийб 95 фоизини ўриб бўлдик. Саноқли кунлар ичида ўрим ниҳоясига етказилади. Лекин унинг донини давлатга топшириш пайсалга солинаётганидан ташвишдамиз. Ҳали 28—30 октябргача хўжаликлардаги маккани янчиб, қуритиб давлатга топшириш имкониятимиз бор. Ана шу имкониятнинг бой берилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бу йил камида 600—630 минг тонна шоли етиштиришга умид боғланган. Шундан 400 минг тоннаси давлатга топширилади. Бу унча кўп эмас. Бироқ айрим вилоятлар шоли ўриш ва уни давлатга сотишни пайсалга солаяптилар. Тошкент вилоятида 221 комбайндан 111 таси, Қорақалпоғистонда 1941 комбайндан 50 фоизи, Сурхондарёда 198 комбайндан 110 тасигина ишлаяпти, холос.

Қорақалпоғистонда ўтган йили шоли ўз вақтида йиғиб олинмагани сабабли анча ҳосил нобуд бўлган эди. Бу йил бундай исрофгарчиликка барҳам бериш керак. Сурхондарёда ўтган мавсумда ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этганди. Бу йилги ҳосилни кўрган мутахассислар 45 центнердан шоли олишни кафолатлаган эдилар. Ҳозир эса ҳосилдорлик 39—39,5 центнерни ташкил этади, холос. Хўш, қолган шоли қаёққа кетди? Бу саволга жавоб изларканмиз, ҳосилни даланинг ўзида йўқ қилиб юборганлар ҳам учрашидан сизни воқиф қилмоқчиман. Ана шу каби ҳоллар бўлмаслиги учун назоратни кучайтириш керак бўлади. Тошкент вилоятида режадаги шолининг бор-йўғи 20 фоизи топширилгани, Андижон вилояти ҳали умуман бир тонна ҳам ҳосил бермагани оқибатида республикада режалар 60 фоизга уддаланяпти.

Омборимизда етарлича картошка, пиёз, карам, пахта ёғи бўлмас экан, биз тинч ўтиришга ҳақли эмасмиз. Президентимиз биздан халқнинг қишда сабзавот ва мевадан камчилик кўрмаслигини талаб қилар экан, бу соҳадаги режаларни 10 ноябргача бажариш бизнинг вазифамиздир.

Ҳар йили собиқ СССРдаги республикалардан картошка олар эдик. Энди Польшадан картошка келишини кутяпмиз. Ўтган йили республикамизга 90 минг тонна картошка келтирилган эди. Жорий йилда эса ҳозиргача 10 минг тонна келтирилди, холос. Рост, ўз далаларимизда ҳам картошка ҳосили мавжуд. Аммо уларни йиғиб омборларга жойлаштиришга хафсала қилинмаяпти. Навоий, Чирчиқ, Ангрен каби йирик саноат шаҳарларимиздаги омборхоналар бўш тургани бизни қатиқ ташвишга солмоқда. Мавжуд ҳосилни вақтида йиғиб олмасак, уни нобуд қилиб қўямиз. Ақл билан иш юритсак, ўз картошкамиз билан эҳтиёжимизнинг ярмини қоплай оламиз. Бу ерга таклиф этилган вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари пахта билан бир қаторда ушбу соҳани ҳам ёддан чиқармасликларини талаб қилишга ҳақлимиз.

Мажлисда ранслик қилувчи шундан сўнг масалага ойдинлик киритиш учун «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзбекбирлашув», «Ўзкооптайёрловсавдо», «Ўзбексавдо» концерн ва уюшмалари раҳбарларига сўз берди.

Республикамиз бўйича 650 минг тонна мева ва сабзавот сақлай оладиган омборларга эгамиз, деди «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни раиси А. Тошкенбоев. Ҳозиргача 300 минг тонна маҳсулотни омборларга жойладик. Энди картошка, пиёз ва бошқа сабзавотларни қўйишга киришдик. Ҳисоб-китобларимизга кўра, узумдан ташқари барча турдаги маҳсулотлар бўйича режани уддалай оламиз.

Концерн раиси Польшадан келтирилиши зарур бўлган картошка ҳақида сўзлар экан, унинг 70 минг тоннаси чегарадан олиб ўтилганини, 1 январгача 120 минг тонна картошка Ўзбекистонга келтириб бўлинишини билдирди.

Татаристон ва Қозоғистондан келтирилаётган картошкани шу йилнинг кейинги ойларида, Польшадан келтирилаётган маҳсулотни эса декабрь, январь, февраль, ойларида сотиш мўлжалланяпти, деди А. Тошкенбоев. Келтирилган картошканинг 60 минг тоннаси Тошкентда қолдирилади. Бундан ташқари ноябрь ойида 100 минг тонна карам, 87 минг тонна сабзи олишни режалаштирганмиз. Далаларимизда 5 минг гектар ердаги картошка, 6 минг гектар ердаги шолғом, 5 минг гектар ердаги кечки карам, 3,5 минг гектар ердаги кавланмаган кечки сабзи турибди. Агар ҳаммамиз енг шимариб ишламасак, ярим миллион гектар ердаги мева-сабзавот исроф бўлади.

«Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Г. Волков ўз ахборотида ташкилот ходимлари ҳам халқни картошка, сабзи, буғдой, кунжут каби маҳсулотлар билан таъминлашга сафарбар этилганини маълум қилди. Айни пайтда уларнинг бир қисми Россияда вагонларга картошка юклаб, жўнатиш билан машғул. Маълум бўлишича, «Ўзбекбирлашув» пиёз тайёрлаш режасини бажаргани учун ортиқча маҳсулотни олмай қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов фақат фоизлар ҳақида эмас, пешона тери билан етиштирилган маҳсулотни нобуд қилмай йиғиб олиш ҳақида бош қотириш зарурлигини таъкидлаб, республикадан четга чиқиб кетмасидан аввал Оҳангаронда, Қорақалпоғистонда, Андижонда етиштирилган маҳсулотларни ҳам сотиб олишни маслаҳат берди.

«Ўзкооптайёрловсавдо» ходимлари ҳам мавжуд муаммони ҳал этиш борасида талай ишлар қилишди. Ҳозиргача 1 миллион 10 минг тонна маҳсулот олинди. Йиғилган сабзавот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Ҳисоб-китобларга қараганда, далалардан яна 300 минг тонна маҳсулот йиғиб олиш мумкин. Россиядан картошка харид қилиш учун банкдан 1 миллиард сўм пул олинди. Айни кунларда режалаштирилган 100 минг тонна картошкадан 69 минг тоннаси вагонларга ортилган. Унинг асосий қисми республикамизга етиб кела бошлади. Бундан ташқари, 40 минг тонна буғдой, 30 минг тонна карам, 25 минг тонна гуруч олиш, 10 минг тонна помидор тузлаш режалари 10 ноябргача бажарилади. Декабргача эса «Ўзбекбирлашув» ортиқча 20 фоиз маҳсулот жамлашни режалаштирган.

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой райони ҳокими Т. Абдураҳмоновнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан билдирган фикрлари мажлис иштирокчиларини қониқтирмади. Районда сут, гўшт, тухум топшириш режалари ҳам ўлда-жўлда. Раҳбарлик қилишдаги жиддий хатолари, хотиржамлик кайфиятига берилгани ва фаолиятсизлиги учун Олтинсой райони ҳокими Т. Абдураҳмоновга ва Қумқўрғон райони ҳокими Ж. Менглибоевга қаттиқ хайфсан билдиришга қарор қилинди.

Кўрилган илк масала муҳокамасини хулоса қилар экан, республика Бош вазири А. Муталов вазиятни зудлик билан ўнглаб олиш чораларини кўриш, маҳсулотларни четга олиб чиқиб кетишга мутлақо чек қўйиш, халқнинг эҳтиёжини қоплайдиган даражада барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жамлаш режаларини белгиланган муддатгача сўзсиз бажариш зарурлигини қатъий таъкидлади.

Сўнгра Республика халқ хўжалигининг 1992-93 йиллнинг куз-қиш давригa тайёрлаш бўйича ишларни тугаллаш (Фарғона вилояти мисолида), иситиш қозонхоналарининг тайёрлиги, ёқилғи заҳираларини яратиш ва резерв идишларни мазут билан тўлдириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан ахборот берар экан, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов жумҳуриятимизга МДҲга аъзо бўлган давлатлардан ёнилғи маҳсулотлари қанчалик қийинчилик билан келтирилаётгани ҳақида сўзлади. Ёқилғи билан таъминловчи корхоналар нефть ва нефть маҳсулотлари учун олдиндан пул тўлашни талаб қиляптилар. Яқинда бу соҳадаги аҳволни ўнглаш учун Президентимиз Ислом Каримовнинг кўрсатмаларига биноан 9 миллиард сўм кредит берилди. Энди вазият ижобий томонга ўзгараяпти.

Бу йил республикада 1 миллион тоннадан ортиқ мазут тўпланди. Ўтган йилги кўрсаткич 480 минг тонна эканини эсласак, бу соҳада аҳвол яхшиланганини англаймиз. Бироқ, бу борада айрим корхоналарда иш кўнгилдагидек амалга оширилмади.

Аҳолини, халқ хўжалигини кўмир билан таъминлаш қониқарли эмас. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» ташкилотлари ўтган ойларда белгиланган шартномани бажаришмади. IV кварталда 2 миллион 700 минг тонна кўмир олишимиз керак. Электр энергиясига бўлган эҳтиёжни қиш давомида узлуксиз таъмин эта оламиз. Бу тармоқда ускуналар асосан ремонт қилиб бўлинди. Бироқ янги Ангрен ГРЭСининг еттинчи блоки, Толимаржон ГРЭСида қурилиш-монтаж ишлари юришмаяпти. Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг «Ўзбекгидроэнергострой» трести қурилиш ишларида қатъий ўзгаришлар қилиши керак.

Газ масаласида ҳам кўп ишлар амалга оширилди. Шу вақтгача Сўх ер ости ҳавзасидан қиш ойларида 150—200 миллион куб метр газ қазиб чиқариларди. Энди бу кўрсаткични 1 миллиард куб метрга етказдик. Муборак газни қайта ишлаш заводида декабрь ойида ўн иккинчи блок ишга тушса, республикамиз йилига қўшимча 2,2 миллиард куб метр газ оладиган бўлади.

Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида айрим нопок кимсалар ёнилғи танқислигидан фойдаланиб қолишга уринаётгани ачинарлидир. Олий Кенгаш шахсий ёнилғи қўйиш шохобчалари очишни тақиқловчи қарор қабул қилганига қарамай, 58 та шундай нуқта очилгани аниқланди. Текшириш натижасида уларнинг ёнилғини арзон олиб, 3—4 баравар қиматига сотишаётгани маълум бўлди. Бу борада вилоят ҳокимлари қаттиқ назорат ўрнатишлари лозим.

Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари К. Салоҳиддинов вилоятда қишга тайёргарлик суст бошланган бўлсада, бугунга келиб аҳвол анча ўзгарганини айтди. Айни пайтда 845 қозонхонанинг ҳаммаси ишга туширилди, деди у. Фақат учта қозонхонада резерв бўлмагани сабабли камчиликлар бор. Болалар боғчалари, мактаблар ва касалхоналар қиш мавсумига тахт қилиб қўйилди. Ноябрь ойигача 25 минг хонадон газлаштириб бўлиниши туфайли муаммо бўлиб турган кўмир масаласида эҳтиёж 50 минг тонна камайди. 78 минг тонна ўрнига 80 минг тонна мазут, 23,5 минг тонна Наманган нефтидан ғамлаб қўйганмиз.

Мажлисда Фарғона вилоятида қишга тайёргарлик кўнгилдагидек эмас, деб топилди. Зеро, маҳаллий бошқарув органлари, вазирликлар, идораларнинг вилоятдаги ташкилотлари ишида бу борада жиддий камчиликлар мавжуд. Уй-жойларни, ижтимоий, маданий-маиший объектларни иситиш тизимларини тузатиш ишлари орқада қолмоқда. Уй-жой фондини капитал тузатиш, иссиқлик шохобчалари, буғ қозонларини тузатиш ҳалигача тугалланмаган. Қиргули поселкасининг Тургенев кўчасидаги насос станцияси, Марғилон шаҳрининг «Комсомольская» посёлкасидаги иссиқлик пунктлари қурилиши муддатлари чўзилмоқда.

Вилоят, шаҳар, район ўт ўчириш кўнгилли жамиятлари газ печларининг мўрилари ва ҳаво алмаштириш қувурларини тўла текшириб чиқишни таъминламаяптилар. Вилоятда бозор фонди бўйича 77 минг тонна кўмир етказиб берилмаган. Деҳқончилик саноати комплексида иссиқлик трассаларини тузатиш, мева-сабзавот, картошка, дағал хашак жамғаришда ҳам қолоқлик ҳукм сураяпти. Бешта хўжаликда 383 тонна дизель ёқилғисидан дала ишларида эмас, балки буғ қозонхоналарини ишлатишда фойдаланилган.

Ишлардаги камчиликлар ғоҳо молиявий ресурсларнинг етишмаслиги туфайли юз беряпти. Ўзбекистон молия вазири Э. Боқибоевнинг таъкидлашича, Президентнинг топшириғига биноан тегишли мақсадлар учун банклар кредитлар очди. Бироқ давлатнинг бу ёрдамидан масъулиятсизларча фойдаланиш ҳоллари учраб турибди. Масалан, касалхоналарга озиқ-овқат, дори-дармонлар олиш учун пул берилса, айрим бош врачлар ўз ўғли, қизи ёки қариндошини шу пул ҳисобидан ўқишга киритган. Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларидаги баъзи муассасаларнинг бош бухгалтерлари ҳам шу каби ниятлар билан 50—100 минг сўмгача пулларни олий ўқув юртлари ҳисобига ўтказиб юборганлар. Нафақалар, маошлар, зарур харажатлар учун бюджетдан 3 миллиард сўм топиш зарур бўлиб қолган бир пайтда бундай «ҳотамтойлик» кўнгилни ранжитади.

Қорақалпоғистон Республикаси, бир қанча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам қишлоқ тадбирларини бажаришда камчиликлар бор. Ёнилғи ғамлаш суръати ҳам суст бормоқда. Уй-жой, комунал хўжалги вазирлигининг бир қанча корхоналарида иссиқлик, сув таъминоти, бошқа коммуникация тизимларини тайёр деб бўлмайди. Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги зарур объектларни тузатишда режадан орқада қолмоқда.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда деҳқончилик саноати мажмуининг бошқа ташкилотлари хўжаликларни қишга тайёрлаш масалаларига етарли эътибор бермаяпти. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси тизимидаги «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш-кооператив бирлашмаси, «Учқун», «Малика» бирлашмалари, Китоб, Қўқон ип йигириш фабрикалари, Бухоро ип газлама бирлашмасида, Марғилон тикувчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида томларни, иссиқлик трассаларини, санитария-маиший биноларини тузатиш, иссиқликни сақлаш ишлари белгланган муддатларда бажарилмаган

Халқ хўжалигини ва аҳолини қаттиқ ёқилғи билан таъминлашда аҳволни ўнглаш керак. Шу йилнинг сўнгги чорагида кўмирнинг энг зарур миқдори 2777 тоннани ташкил этади. Айрим вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари мавжуд идишларни ёқилғи, мазут билан тўлдиришни таъминламадилар.

Мажлисда «Ўрта Осиё кўмири» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Лелеко, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси раиси М. Усмонов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ва бошқаларнинг шу мавзу юзасидан мулоҳазалари тингланди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида, Ўзбекистонни келажакда валюта билан таъминлашда катта ҳисса қўшишига умид боғланаётган «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг фаолиятини ташкил этиш борасидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз дунёга юз очиб, кенг кўламли ташқи сиёсат юргиза бошлагач, жаҳон иқтисодиётини ва дипломатияни чуқур биладиган мутахассисларга катта эҳтиёж сезилди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этишдан мақсад ана шундай малакали мутахассисларга бўлган талабни қондиришдан иборат.

Университетга чет тилидаги ўқув адабиётларини сотиб олиш, нашрларга обуна бўлиш учун Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармасидан 300 минг АҚШ доллари миқдорида валюта ажратиш топширилди. Дорилфунун раҳбариятига ўқув ишларини хориждаги илғор тажрибалар даражасида олиб бориш учун турли иқтисодий шакллар асосида мутахассислар жалб қилиш ҳуқуқи берилди.

Мажлисда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Амирқул КАРИМ.
(ЎзА).

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Шараф Рашидов

Кашмир қўшиғи

Улкан адиб ва публицист Шараф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» қиссаси Ватанга садоқат, халққа муҳаббат, ёшлик, пок севги туйғулари қўйилган.

Ушбу қисса Кашмир ҳалқининг қадимий севги достони асосида ёзилди. Бу достонга таниқли шоир, композитор ва ўқитувчи Ота Наҳ Наим музыка яратган.

Мукаддима

Кўп яшаган, кўпни кўрган, иссиқ-совуқ бошидан кўп ўтган зукко туаҳнам қариқоқ кўзлари ўткир, пешанси ёрқинлари ҳикмат қаҳваларга шай талабаларга савол ташлаби:

— Даҳолар ҳаерда туғилаби?

— Самовий тоғларда, деб жавоб берибди бири.

— Ер қаъридан булоқ бўлиб чиқаби, жавоб қилибди иккинчиси.

— Денгиз ва океанларда, — дебди учинчиси.

1

Яна бирор гап қўшишларини кутиб бир оз мулоҳаза қилган туаҳнам уларнинг сўзини бўлмаётганларини кўриб, дебди:

— Ҳар бирингиз ростгапирдингиз, лекин сизлар ҳақиқатнинг ҳоҳ ини кўрибсиз, маъзини қарабсиз. Ҳақиқатнинг туб моҳияти ақл кўзи билан қўрқмаслар ва узоқ изланишлар натижасида аён бўлаби. Даҳоларни тоғу тошларда бинога ҳеҳаби, дегандар, обиятнинг у ёқларга денгизу океанлардан ўтишини даҳолик қилаби. Даҳоларни денгизу океанларда ҳосил бўлаби, дегандар, у ёқларга сув тоғу тошлардан тушишини унутган бўлаби. Кимки тутган заҳматнинг бир ҳаҳҳасини пайдо ҳаб, бошқа-ю, учини топдим, деб ғурур ҳиссиётига ҳатса ё ғафлат балоси, ё ҳалокатдир.

Сал ўйланиб ҳариб туриб, яна сўрабди:

— Ҳуш, эй заҳовитларнинг ҳотиби ҳимаби?

2

• ТАНИШУВ

ҲАМ МУСАВВИР, ҲАМ ҲАТТОТ

Атоқли адиб Шараф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» жаҳоннинг эллик олти тилига таржима қилинган. Уни ўқиб, ҳаяжонини яширолмаган ўқувчилари орасида кўплаб машҳур мусаввирлар ҳам бор...

Бозорбой Жумабоев — редакциямизнинг янги бош рассоми, айни шу ёшида сурат чиза бошлаган. Кейин йигитлик бурчини ўтаб келгач эса, ўн икки йил ички ишлар органларида ишлаган. Ҳуқуқшунослик қилган, сиёсатчи бўлган, иқтисодчи сифатида Москвларда таҳсил олган, ишлаган.

У қаерда ишламасин, ўша ўқувчилик йилларидан қадрдони — мўйқалам ҳамиша шахсий қуроли бўлган. Ҳаттоқ, алғов-далғов йиллари Афғонистонда ҳам.

Бозорбой Жумбоев ҳаёт йўли ҳақида эҳтимол, алоҳида мақола қилиш маъқул бўлар. Бироқ, биз бугун бошқа бир нарсага диққатингизни тортиш истагидамиз. Редакциямиз жамоаси сафига янги бир ходим қўшилди. Ўз ишининг устаси, фидойи-моҳир рассом. Бунинг исботи эса саҳифаларимизда пайдо бўла бошлаган янги безаклар.

Бош рассом тенги йўқ ҳаттотлигини ҳам исботлаш учун бугун эътиборингизга атоқли адиб Шараф Рашидовнинг «Икки дил» достонидан парча кўчирилган ҳуснихатни ҳавола этмоқдамиз.

Атоқли адибнинг машҳур «Кашмир қўшиғи» асарини ўқигач, ҳатто ҳаттотнинг ҳам «шоир»лиги тутиб кетган. Дарров қўлига қалам олиб ушбу ғаройиб ҳуснихатни ижод қилганлигининг гувоҳи бўлиб турибсиз.

Республикамиз иқтисодий қийинчилик ва моллар тақчиллиги шароитида бозор иқтисодиётига ўтмоқда. Бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилмаса аҳвол янада мушкуллашиши мумкин. Вазиятни барқарорлаштириш учун, аввало, ижтимоий мулкни хусусийлаштиришни амалга оширмоқ лозим.

• *Мутахассис мулоҳаза юритади*

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ НИМА БЕРАДИ?

Чунки хусусийлаштириш натижасида бозор иқтисодиётининг ҳар томонлама кенг ривожланишига имконият-лар яратилади. Яъни, хусусийлашган корхоналарнинг ўзаро рақобати аҳолининг эҳтиёжи учун зарур моллар мўл-кўл бўлишига ёрдам беради.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир инсонни ўз фаолиятини қайта кўриб чиқишга ундамоқда. Шу сабабли кишилар унинг талабларига бирданига мослаша олмаяптилар. Биз ишониб, дунёдаги кўп мамлакатлардан анча орқада қолиб кетганлигимизни тан олишимиз керак. Ҳозирги дунёнинг ривожланган мамлакатларида аввало аҳолининг ҳуқуқлари бизга нисбатан кенгроқ, мутахассисларининг малакаси анча юқори. Ҳар бир мутахассис ўз она тилини мукаммал билади. Чет тилларнинг икки-учтасида эркин гапириб, эркин ёза олади.

Ўзбекистон ўз тасарруфидаги ижтимоий мулкни хусусийлаштиришда аввало давлат мулкини тўлиқ (инвентаризация) рўйхатдан ўтказиб, унинг ҳақиқий қийматини халққа эълон қилиши лозим, деб ўйлайман. Давлат мулки ҳисобланган кичик корхоналарни ва майший хизмат кўрсатиш уйларини аҳолига, жамоаларга маълум баҳода сотиши ёки ижарага бериши маъқул. Ўртача ҳажмдаги корхоналарни ҳам хусусийлаштиришга босқичма-босқич тайёрлаш керак. Агар йирик саноат корхоналарида маълум нормалар даражасида хусусийлаштириш амалга оширилмаса, бир неча йиллардан кейин яна ижтимоий мулкнинг монополь ҳукмронлиги тикланиб, иқтисодиёт мушкул аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Хусусийлаштириш ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг «Мулк тўғрисида»ги ва «Солиқ тўғрисида»ги қонунларини дунёдаги ривожланган мамлакатларда амал қилаётган қонунлар даражасида такомиллаштириш лозим бўлади.

Хусусийлаштириш натижасида маълум мулкка эга бўлган фуқаронинг асосий вазифаси аввало, ихтиёридаги мулкни сотиб олиш учун олган қарзини узишга қаратилиши шарт. Шундагина корхона соҳиби корхонанинг фақат фойда олишини таъминлашга мажбур бўлади. Шунингдек, хусусийлаштириш натижасида шахслар, оилалар, ижтимоий гуруҳлар маълум ишлаб чиқариш қуролларига хусусий (индивидуал) ва жамоа ҳолида эгалик қиладилар. Ўзларининг мулки ҳисобланган корхоналарга ўз тақдирларини боғлайдилар. Корхонаси унинг фақат фойда асосидагина яшаши мумкинлигини англаб етган ҳолда унумли меҳнат қиладилар.

Хусусийлаштиришда айрим йирик корхоналар акциялар чиқаришлари ва уларни корхона ишчиларига сотишни ташкил этишлари лозим. Хусусийлаштириш жараёнида корхоналарни хорижий фуқароларга сотишни тақиқлаб қўйиш керак. Уларга ҳамкорликда тенг харажат қилиш йўли билангина корхона қуришга рухсат бериш ва корхоналар оладиган (валюта) даромадни фақат Ўзбекистонда қолдиришни қонуний қилиб белгилаш лозим.

Мавжуд корхоналардан олинадиган солиқ миқдорларини одилона белгилаш лозим. Чунки ҳозирги кунда республикада корхоналар олаётган ҳар бир сўм фойдасининг 0,67 тийини, яъни 67 фоизи давлат бюджетига солиқ сифатида ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида корхоналарнинг мустақил фаолият юритишини ва жамият учун кўплаб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишини чегаралаб қўймоқда.

Хусусийлаштириш орқали республикада давлат мулкининг иқтисодиётдаги салмоғини 30 фоиздан оширмаслик керак. Назаримда, бу усул ўзини ҳар томонлама оқлайди. Шу билан бирга, бошқа мулк шаклларининг ўсишини ҳам таъминлаш зарур. Бозор иқтисодиёти хусусийлаштириш натижасида вужудга келадиган турли мулк шаклларининг рақобати заминида ривожланиб боради ва ниҳоят, халқимиз кутган натижаларни беради. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти юритаётган оқилона сиёсат изчиллигини алоҳида таъкидламоқ керак.

Ҳ. БОЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг докторанти.

● АНДИЖОНДАГИ марказий универсаль магазининг «Болалар дунёси» бўлими ёнида Хитой Халқ Республикасидан келтирилган турли хил моллар билан савдо қилиш йўлга қўйилди. Андижонликлар хима-хил халқ истеъмоли моллари, чунончи кийим-кечак, рўзғор буюмлари, атир-упа ва озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш имконига эга бўлишди. Хитой дўконида озиқ-овқат, саноат, хўжалик, атторлик ва ичимликлар бўлими мавжуд бўлиб, бу ерда ўзбек тилини биладиган 12 нафар қашқарлик савдо ходими хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: қашқарлик сотувчи Муҳаммад Раҳмат харидорларга хизмат кўрсатмоқда.

Сураткаш Ш. ОЛИМОВ (ЎзА).

ҲАР КУННИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

НАРХЛАР НЕЧА БАРАВАР ОШДИ?

Маҳсулот номи	нархи (сўм) 1990 й. апрель	нархи (сўм) 1992 й. октябрь	нархнинг ошиши (баравар)
1. Жавдари нон	0,18	19—22	114
2. Буғдой нон-батон	0,18—0,25	18—24	100
3. Ун, кг	0,46	47	102
4. Картошка, кг	0,20	20—25	112
5. Лавлаги, кг	0,15	20—29	163
6. Карам, кг	0,30	25—35	100
7. Сабзи, кг	0,18	25—30	152
8. Творог, кг	0,75—1,1	80—120	107
9. Туз, кг	0,06—0,1	7—9	100
10. Қанд-шакар, кг	0,9—1,04	104—107	108
11. Сули ёрмаси «геркулес», 0,5 кг	0,21	25	119
12. Ширин қалампир, кг	0,40	40	100
13. Гречка ёрмаси, кг	0,56	60—103	145
14. Сосиска, кг	2,40	230—250	100
15. Гугурт	0,01	1,23	123
ДОРИ-ДАРМОНЛАР			
16. Зеленка	0,03	3	100
17. Марганцовка	0,02	7	350
18. Водород перекиси	0,03	5,5	183
19. Финалгон	0,4	50	125
20. Румалон	5,25	600	114
21. Бификол	0,23	98	426

Илмий усулда ҳисоблаб чиқарилган нарх-навонинг ўсиши магазинга келиб, аниқ молни сотиб олганимиздан нақадар фарқ қилиши мени доимо ажаблантирар эди. Илмий ҳисоб-китобда бир шаҳардаги эмас, балки бутун мамлакатдаги кўпгина моллар ва хизматлар ҳақида гап боришини тушунаман. Улар қўшилади, кўпайтирилади, бўлинади, хуллас ўртача кўрсаткич ҳосил қилинади, бу кўрсаткич умумий тамойилларни аниқлаш учун қизиқарли ва мароқли бўлса ҳам бироқ, менинг кўчамдаги магазинда сотилаётган аниқ молга унчалик алоқадор бўлмайди. Тушунишга тушунаману, аммо пештахтадаги нархга қараб, таъсодифан ортиқча нол қўйиб юборилган эмасми, деб сўраб ўтирмай, ўзим учун нарх-наво ўсишининг бутун бошқача нисбатларини ҳисоблаб оламан. Дарҳақиқат, назарий мунозаранинг, нарх-навони ҳисоблаш усуллари ҳақида баҳслашишнинг нима ҳожати бор, — яхшиси Москванинг турли дўконларига кириб, маҳсулотларни, бошқа молларни (шундай моллар бор бўлса) кўриб, уларнинг қийматини 2—2,5 йил аввалгисига таққослаб кўяқолса бўлмайдими. Касаба уюшмалари умумий конфедерациясининг турмуш даражаси муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислари иштирокида худди шундай қилдик.

Босилаётган жадвал, назаримда, қимматчилик ошгани тўғрисидаги саволга жуда аниқ жавоб беради. Москвада икки ярим йил мобайнида кўпгина асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларнинг нархлари 100 баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошди. Бу ерда 15 та маҳсулот кўрсатилган, бу рўйхатни яна давом эттирса бўлади. Нарх-наво 10 минг фоиздан 16 минг фоизгача ошди. Кўриб турибсизки, ошиш суръати 10—100 фоиз эмас, балки кўп минглаб фоизга етди...

Газетада жойни тежаш мақсадида биз сариёғ, пишлоқ, мол гўшти, сметана, туҳум, колбаса, маргарин, сирок нархларининг ўсишини кўрсатувчи иккинчи жадвални эълон қилмаяпмиз. Бу жадвалда ҳам қимматчиликнинг кўтарилиши оз эмас: 55—84 баравар. Ҳолбуки, булар тансиқ таомлар эмас, балки кундалик турмушда керак бўладиган маҳсулотлардир. Жуда оз истисноларидан бирини сут деса бўлади, Москвада сут шу даврда 50 баравар эмас, «фақат» 38,8 баравар ошди.

Дори-дармонлар ҳақида умуман гапирмаган яхшироқ. Ҳатто энг зарур дориларни сотиб олиш ҳам кам даромадли одамларни ҳонавайрон қилади. Уларнинг нархи 100, 350, 426 баравар ошган...

Хуллас, ўзимизни ўзимиз алдамай кўя қолайлик, ҳақиқатнинг бетига тик боқайлик ва кўпгина асосий моллларнинг нархлари «100» рақамидан ошиб кетганини тан олайлик... Польшада чиқадиган «Экономика и ресурси» газетаси бултур эълон қилган мақолада яна 7—9 йилдан кейин Россияда оддий бир буханка нон 30 сўм, бир килограмм мол гўшти 150—200 сўм бўлади, дейилган эди. Афсуски, тахмин анча тезроқ рўёбга чиқмоқда. Кези келганда шуни айтиш керакки, биздаги ислоҳотни Польшадаги 1991 йилги «жазава шифоси»га таққосланса, Россиядаги «жазава», анча шиддатли бўлиб чиққанини кўриш қийин эмас. Масалан, Польшада ўртача ойлик маошга 500 килограмм нон сотиб олиш мумкин эди. Бизда атиги 300 килограмм нон сотиб олиш мумкин, Польшада сут 617, Москвада эса 427, сариёғ Польшада 60, бизда эса бор-йўғи 20 килограмм. Қанд-шакар Польшада 500, Москвада 60 килограмм. Мева-сабзавот ва бошқа бир қанча маҳсулотлар ҳақида гапирмайман. Фақат картошкани мисол қилиб келтираман. Поляк ўртача маошига 1200 килограмм, москвалик эса 300 килограммдан камроқ картошка сотиб олиши мумкин, қисқаси поляклардан ўзиб кетдик.

Бунинг сабаби равшан, агар кўпгина асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи бизда юз баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошган бўлса, маош бунча ошгани йўқ: 1990 йилнинг апрелидан буён маош ўрта ҳисобда 24 баравар кўпайди. Ҳар бир киши мана шу иккита рақам —100 ва 24 рақамларини таққослаб, турмуш даражаси қанча пасайганини осонгина фаҳмлаб олса бўлади.

Мен бу ҳисоб-китобларни келтириш билан ҳеч бир янгилик очаётганим йўқ, албатта. Миллионлаб кишилар ҳаммасини яхши биладилар, ўз оилавий бюджетида ҳар куни сезиб турибдилар. Бундан кейин ҳам нарх-наво ошавериши сир эмас. Хўш, шундай экан буларнинг ҳаммасини нега ёзаяпман? — деган савол туғилади. Биринчидан, шунинг учунки, ҳақиқатни билиш керак. Юқорида айтилганидек, бундай маҳаллий ҳисоб-китобларни ҳисоб идоралари эълон қилишмайди. Бу маълумотлар эса, назаримда, аҳоли учунгина эмас, ҳукумат аъзолари учун ҳам керак. Чунки уларнинг столларида бошқача рақамлар турибди.

Иккинчидан эса, нарх-навонинг 100 карра ва ундан ҳам кўпроқ ортиши ислоҳотлар дастурига муҳим тузатишлар киритиш заруррлигини яна бир бор тасдиқлайди. Энг аввало, бу гап ишлаб чиқаришнинг, шу жумладан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ҳам тобора пасайиб боришга тааллуқлидир. Деярли барча моллар — газлама, пойабзал, трикотаж, радиоприёмник, кир ювиш машиналари ва ҳоказолар ишлаб чиқариш сентябрь ойида ўтган йилнинг сентябрь ойига нисбатан 13 фоиздан 51 фоизгача қисқарди. Ишлаб чиқариш пасайишини имкони борича камайтириш — энг муҳим вазифадир.

«Жазава» шу қадар оғриқли тус олмоқдаки энди унга чидаш тобора қийин бўлиб қолмоқда. Шу боисдан ҳам, ниҳоят, истиқболни аниқроқ кўргимиз келади. Яъни назарий негизда эмас, кундалик воқеликларимизни ҳам ҳисобга олиб, муштоқлик билан кутилаётган барқарорлик йўлини белгилаб берадиган ва бажарса бўладиган дастур керак.

Виталий ГОЛОВАЧЕВ,
«Труд» газетасининг сиёсий шарҳчиси.

(«Труд» газетасининг 21 октябрь сонидан).

ДУНЁ ОВОЗИ

● Европа тиклаш ва тараққиёт банкининг президенти Жак Аттали яқинда «Нью перстективз куортели» журналида янги мақоласини эълон қилди. У, Шарқий Европада ва Совет Иттифоқида мустабид коммунистик тузумлар барбод бўлганлигини таъкидлаб, мабодо Ғарбий Европа давлатлари Шарқдаги ҳамкорлари дуч келаётган жиддий иқтисодий-сиёсий муаммоларга лоқайд қараб турсалар, бу минтақаларда урушқоқ давлатлар қурамаси сиёсат майдонига чиқиши муқаррар, деб огоҳлантирди.

● Утган куни Севилья шаҳрида Испания тарихидаги энг катта жиноий иш — атрофмуҳитни заҳарловчилар устидан суд мажлиси бошланди. 34 фермер, пестицид жаллоблар ва бир неча мансабдор шахс айбдорлар курсисида ўтиришибди. Уларни Атлантика океани қирғоқлари яқинидаги Кото Донан қўриқхонасида 1986 йилда содир бўлган улкан ҳалокатнинг айбдорлари деб ҳисоблашмоқда. Ушанда 20 мингта қуш заҳарланиб ўлган эди.

● Перуда полиция ўтказган сўнгги тадбирлар натижасида «Сендеро Луминисо» деб аталмиш ғаламислар гуруҳи раҳбарларининг 90 фоизи қамоққа олинди. Ўта сўл коммунистик қарашлардаги бу гуруҳ сиёсий эўравонликка асосланиб, бузғунчилик ишларини олиб борди. Натижада 27 минг перулик ўлдирилди, мамлакат халқ хўжалигига 20 миллиард доллар зарар етказилди.

● Америка Қўшма Штатлари махсус хизмат маҳкамасининг ходимлари президентликка демократлар партиясидан номзод Билл Клинтонга суиқасд қиламан деб таҳдид солган Эдвард Кэррол исмли кимсани ҳибсга олдилар.

● Россия Президентининг матбуот котиби Б. Ельцин Жанубий Кореяга мўлжалланган сафаридан гўё воз кечганлиги ҳақида Японияда тарқатилган хабарни рад этди.

● Югославия Иттифоқ Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Милан Панич Женевага ташриф буюрди. У собиқ Югославияга бағишланган конференциянинг мувофиқлаштирувчи комитети ҳамраиси Дэвид Оуэн билан Югославия можоросини тугатиш масалалари тўғрисида музокара олиб боради.

● Ер юзидаги турли минтақа ва давлатлар гиёҳванд ашёларни пуллашга қаршн қаттиқ курашаётган бир пайтда Танзания полициясн бошқа бир ишкал муаммо устида бош қотирмоқда. Яъни, у чет элларга ўғринча кофе ташиб кетишнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни ишга солишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, шу ойнинг ўзида чегарада юз қопдан кўпроқ ўғринча кофе ушлаб қолинди. Бир нечта жиноятчи гуруҳ қўлга олинди.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ХАЙРИЯ МАҚСАДИДА

◆ Америка Қўшма Штатлари тинчлик корпусининг вакили Роберт Мак Клендон Бухорога ташриф буюрди.

60-йилларнинг бошида Америка президенти Жон Кеннеди томонидан ташкил этилган мазкур корпус вакиллари турли мамлакатларда хайрия ишларини бажаришади.

Мак Клендонинг Бухорога ташриф буюришидан мақсад бухороликларга кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда инглиз тилини ўрганишда ёрдам кўрсатишдир. Америкалик меҳмон маҳаллий ишбилармонлар иттифоқи вакиллари билан бу тўғрида келишув шартномасини тузди.

ҚАДИМИЙ РАСТА ТИКЛАНДИ

◆ Шаҳар ҳокимлигининг даъвати билан кўпгина меҳнат жамоалари тарих ва маданий ёдгорликларни таъмирлашга ўз ҳиссаларини қўшяптилар.

Яқинда Бухоронинг учта усти ёпиқ расталаридан бири Тоқи Телпакфурушон «Бухоро» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси ажратган маблағ ҳисобига тўла таъмир этилди. «Меъмор» бирлашмасининг вилоятдаги устахонаси бинокорлари раста атрофини бир неча метрли тупроқ қатламидан тозалаб, қадимий обидага асл қиёфасини қайтаришди.

Эндиликда раста ичидаги шинам дўконларда миллий санъат ҳунармандлари ишлаяптилар.

Нусратилла НАИМОВ.

ТУРКИЯ МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ҚАШҚАДАРЁДА

◆ Туркия Республикаси маданият вазири ўринбосари Яҳё Оқсуй афанди бошчилигидаги маданият ходимлари делегацияси бир неча кун Қашқадарё вилоятида бўлиб маданият муассасалари иши билан танишди.

Меҳмонларда Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят музикали драма театрининг «Амир Темур» спектакли катта қизиқиш уйғотди. Улар спектакл ижодкорларини ўз мамлакатларига таклиф этиш истагини билдирдилар.

Вилоят ҳокимлигида учрашувда маданият соҳасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан келишиб олинди.

Мусо КАРОМОВ.

ТОЛА ПУЛИГА ШИФОХОНА

◆ Данғара райони марказида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган диагностика маркази иш бошлади.

Унинг қурилиши ва ишга туширилиши район пахтакорлари маблағи эвазига амалга оширилди. Хўжаликлар ихтиёрида қолган пахтадан тушган 26 миллион сўмлик валюта ҳисобига 6 хил медицина асбоби сотиб олинди. Германия ва бошқа мамлакатлар фирмалари тайёрлаган бу аппаратлар ёрдамида жигар, ўт пуфаги, буйрак, аёллар хасталиги каби касалликлар бехато аниқланади. Район аг-росаноат уюшмаси эса ўз биносининг биринчи қаватини диагностика маркази учун ажратиб берди.

Алишер ИБОДИНОВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).

● «БОЛА УҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛ ТИМОСИГА КУРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

● «ЖУДОЛИК АЛАМИ». ҒАЛАТ АКА БИЛАН ХАТИЧА АЯ УҒЛИ УБАЙДУЛЛАНИ УН УЧ ЙИЛДАН БЕРИ ЗОР-ЗОР ЙИҒЛАБ КУТМОҚДА.

«МУСТАҚИЛЛИК–МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Бухоро зардўз қиз-жувонлари билан ҳам оламга машҳур. **В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.**

ЭНДИ МАЪЛУМ БЎЛЯПТИ

КОИНОТГА УЧ КИШИ

Маълумки, яқинда 12 октябрь куни «Восход-1» кемаси коинотга чиқарилганлигининг ўзига хос санаси нишонланди. Эшитишимча, ана шу кемада уч кишининг жаҳонда биринчи марта коинотга кўтарилиши билан боғлиқ «давлат сири» бор дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унинг сир-асрорини очадиган пайт келмадимикан? (О. ПОПОВ, Калуга).

Парвозни бошқариш маркази раҳбарининг ўринбосари Ю. Циплаков шундай ҳикоя қилади:

— 1964 йилнинг бошида Н. Хрушчев америкаликлар ўзларининг «Джемини-3» космик кемасида икки кишини коинотга чиқаришга ҳозирлик кўришаётганлиги ҳақидаги нохуш хабардан воқиф бўлиб қолди. У бош конструктор С. Королевни ҳузурига чақириб: 7 ноябрга қадар уч нафар космонавтни кемада парвозга ҳозирлаш ҳақидаги масалани кўндаланг қилиб қўйди. У вақтларда шунча одамни сиғдира оладиган аппаратлар мавжуд эмасди. Конструкторлар ечимини кутаётган муаммони ҳал қилиш борасида ўйланиб қолишди. К. Феоктистов бўлса керак, ўзига хос таклифни ўртага ташлади. У, Ю. Гагарин парвоз қилган, эни 2 метрли думалоқ аппарат ичидаги барча ускуна ва жиҳозларни бўшатиб, одам жойлаб кўришни тавсия этди. Дарҳол ана шундай «буюм»нинг макети тайёрланди. Космонавтларнинг ҳар бирига мўлжаллаб ўриндиқлар қўйилди. Чунки, скафандрлар ҳам ортиқча юк бўлиб жойни кўп оларди. Экипаж аъзолари енгил кийинишди. Улар аппарат ичида ёнма-ён ўтирадиган бўлдилар. Зеро, оёқлари ортиқчадек букилиб, тиқилиб жойлашишди.

Бундай мўлжалнинг хавфли тарафи шунда эдики, космонавтлар ерга қўниш, олдидан катапульт воситасидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум эдилар. Ҳамма умид парашютлар тизимининг «уялтириб» қўймаслигида эди. Ниҳоят 1964 йилнинг 12 октябрь куни бутун жаҳонга Левитаннинг тантанавор овози таралди: Совет Иттифоқида космонавтика тарихида биринчи марта бортига уч космонавт олган кема учирилди. Кема командири В. Комаров, бортинженер К. Феоктистов ва шифокор Б. Егоров. Афсуски, бундай парвоз пайтида космонавтлар иш билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум эдилар. Лекин улар биқиқ камерада 24 соатни ўтказиб, ерга қайтиб тушишган. Бу, ҳаммаси С. Королевнинг уддабуронлиги туфайли юз берганди.

(«ТРУД» газетидан).

«Ўзбекистон овози» таклиф этади: ўқинг, ўқинг, мағзини чақинг, мулоҳаза қилинг, амалда фойдаланинг!

Туркиялик ижодкор Собир Сайхонни муштарийлар яхши билиб шади. Унинг шеър ва насрий асарлари жумҳуриятимиздаги рўзнома ва жаридаларда босилган. Навбатдаги рисолага Собир оға «Тижорат ва бир ошам ҳалол луқма» деб ном қўйганлар. Ушбу рисола муаллиф ибораси билан айтганда «турк диний олимлари томонидан ёзилган асарлардан териб олинган ахлоқий ақидалар тўпламидир».

Собир САЙХОН

ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ҲАЛОЛ ЛУҚМА

Шу кунларга омон-эсон етказганига минг марта шукур.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Жамики Ҳамд оламларнинг рабби бўлган ОЛЛОҲга хосдир.

Инсонлар ҳаётидаги муштаракликни барқарор ушлаб турувчи моддий ва маънавий томонлар бор. Агар булардан бирортаси ихмол қилинса, хасталик пайдо бўлади. Бу ҳар иккала унсурнинг ҳам покизағизога эҳтиёжи мавжуд.

Ҳалол ошам қилинган дуо ва ибодатларга ҳам таъсир кўрсатадир. **ҲАЛОЛ ЛУҚМА ОШАҒАНЛАРНИНГ НАСЛИ ҲАМ АСЛ БЎЛАДИ.** Шу боис ризқнинг ўндан тўққиз қисми маҳсулига сабаб бўлган **ТИЖОРАТ**нинг диний қоидаларга кўра юритилиши катта аҳамиятга эгадир. Динимизда бу мавзуга кенг ўрин берилган.

Худовандаи Карим бизларни тўғри йўлдан оғдирмай, ҳидоят неъматларидан баҳраманд этиб, ҳалол ризқ ато қилсин, омин!

Ҳалол маълум, ҳаром ҳам маълум. Фақат ораларида «Ҳалолми, ҳаромми?» деган мазмунда шубҳали нарсалар борки, кишиларнинг аксари уларни билмайдилар. Шубҳадан эҳтиёт юрганлар динини ҳам, иффатини ҳам қўриқлаган бўлади. Қўрғон атрофида ўтлаб юрган қўйнинг қўрғонга кириб кетиш эҳтимоли бўлгани каби, айримлар шубҳа қўйнидаги ҳаромга ботиб қолишдан қўрқишади.

Ҳалол ҳам очиқ, ҳаром ҳам. Фақат шубҳали нарсаларни англамоқ, танимоқ кишиларнинг ўз ғайрат ва самимиятларига боғлиқдир. Динимизда ҳалол тижорат ва фойда улуғланиб, ҳаром томони қоралангган. Оллоҳу таоло Қуръони Каримда «Ҳалол ва покиза нафақа енглар ҳамда солиҳ ишлар бажарингларми?» деб буюрган, яъни ҳалол емоқнинг солиҳ амаллардан аввал келганлигига ишора қилган.

Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад ҳалол луқманинг фойдасини шундай таъриф этганлар: «Қирқ кун ҳалол еганнинг юрагини ҳудованд нурлантиради ва ҳикмат кўзини юрагидан тилига чиқаради». Жуда кўп манбаларда ҳалол фойданинг ибодат эканлиги айтилади. Жумладан пайғамбаримиз «Ибодат ўн ҳисса бўлса, тўққизи ҳалол нафақа қидиришдир» деганлар.

Иморат ва бинода тамал нима бўлса, динда луқма ўшадир. Мустаҳкам асос ҳамда тамал туфайли пойдевор устидаги юксак иморат маҳкам турганги сингари ҳалол луқма ҳам динни оёқда тутади ва сарбаланд этади. Аксинча, чирик ва омонат асосдан иморат эгилиб чўккани каби агар луқма ҳаром бўлса, дин ҳам эгилиб бораверади.

Ҳазрати Абубакр қули келтирган сутдан ичдилар ва тўсатдан қулига бурилиб, «буни қаердан олдинг?» деб сўрадилар. Хизматкор банда эса «фолбинлик қилдим, фойдасига шу сутни олдим» деди. Бу сўзни эшитган Абубакр аллақачон ошқозонига тушган сутни чиқармоқ учун бармоқларини бўғзига тиқдилар, кейин «Оллоҳим, ошқозонимда қолиб томирларимдаги қонга аралашган қисмдан ўзингга сиғинамани!» дедилар. Ҳазрати Умар ҳам закот туяларининг сутини ичган ҳамон оғзига бармоқ суқиб, қусиб сутни чиқарган эканлар.

ИНСОН НЕЧА ҚИСМГА БЎЛИНАДИ!

Қозонмоқ борасида инсонлар уч тоифага бўлинади.

1. Охиратини унутганлар. Булар ўлик ҳисобланади.

2. Охиратнинг масъулияти ва қўрқувдан дунёни унутганлар. Булар охири бохайр бўлганлардир.

3. Охиратни қўлга киритмоқ учун дунё билан машғул бўлганларким, улар энг тўғри йўлда бўлганлар, «ишланг!» деган сўзга риоя қилганлар.

ИШЛАМОҚ ВА ИБОДАТ

Ҳалол луқма ишламоқ, чарчамоқ, пешона тери, кўз нури ва қўл меҳнати билан ҳосил бўлади. Меҳнатсиз қўлга кирган луқма ҳаромдир. Фақат уни яхши аҳлоқ билан аралаштирмаслик керак. Юқорида айтилгандай, ҳалол қозонч (қўлга киритилган луқма) учун ишлаб меҳнат қилмоқ ҳам бир ибодатдир, аммо ибодатнинг ва қозончнинг ўрни алоҳидадир. Инсонлар ибодатига моний бўлган фойда ва қозончлар ҳалол эмас, чунки Қуръони Каримда «Одамлар борки, на тижорат ва нада бир савдо-сотиқда Оллоҳни эсламоқдин, унга ибодат этмоқдин, амирларига боғланмоқдин, кераги учун номозини ўқимоқдин, закот беришдан сал йироқдур» деб кишининг ибодатига моний ишлар қоралангган.

ҲАР КЎРИНИБ ИСТАГАНГА ЁРДАМ ҚИЛИШ КЕРАКМИ!

Доимо диндошларга эҳсон айлашни амр этган динимиз бу ёрдамларни ғайри мунтазам эмас, балки аҳил ва мустаҳақ бўлганларга қилишни буюради. Агар кафолат ва фалокат каби мужбир сабаблари бўлмаса, қашшоқлигига уч мўмин шаҳодатликка ўтмаса, ундай кимсаларга закот, фитра бериб ёрдам қилиш тўғри эмас.

Қуръони Каримнинг Духо сурасида «Гадойни зинҳор озорлама!» деб буюрилган, аммо бунда чорасиз қолган кимсалар назарда тутилади. Ноўрин талабни қондириш ҳаром ишга йўл беришдан бошқа нарса эмас. Аниқроғи, интизомсиз қилинган ёрдамлар жамиятда танбал, текинхўрлар сонини ошириб юборади. Зеро, бу ёрдам ва иқромлар на динимизга, на дунёмизга фойдасиздир.

ЁРДАМЛАШМОҚНИНГ ЎРНИ

Динимиз ёрдамлашмоқ динидир. Мусулмонлар бир-бирларига доимо моддий ва маънавий мадад бера олишлари билан нуфузлидирлар. Қуръони Каримда «Яхшилик ва тақвода кўмаклашингларми!» деб буюрилган. Бу ёрдамлар Оллоҳ ризоси учун асос бўлиши керак. Бундан бошқа мақсад кўзланмаслиги зарур. Эҳтиёж эгасига ёрдам қилар эканмиз, Оллоҳнинг ана шу ризосини эсга туширайлик. Худованди Карим бундай кишиларнинг меҳнатини пучга чиқармайди, аксинча уларга кўпроқ саховат кўрсатадир.

ҚАРЗИ ҲАСАНА

Бировнинг мурожаатини кутмасдан кўнгилли равишда кўрсатиладиган мурувват динимизда ҚАРЗИ ҲАСАНА дейилади. Бу уюшма муассасаси ҳаракатга киргач, жамиятдаги зиқналик, хассислик касали йўқолади. Қишилар бир-бировларига янада маҳкамроқ боғланадилар. **ХАВФСИЗЛИК ВА АМНИЁТ** таъминланади. Қуръони Каримда бундай қарз берганлар тавсифи қуйидагича зикр этилади: «Ёлғиз Оллоҳ ризоси учун кўнгил хушлиги билан қарз берадурган кимдурки, Оллоҳ унга қават-қават мукофотини берсин». Оллоҳнинг марҳамати кенг: у кимини торюрак, кимини кенгюрак қилади. Лекин қилган ишлар учун унга ҳисоб бермоқ зарур.

ИСЛОМДА МАИШАТ МУМКИНМИ!

Одатда маишат деганда кишининг тўлақонли яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжлар кўз олдимизга келади: уй, буюм, озиқ-овқат, соира. Булар яшамоқ учун зарурий нарсалар. Ислом дини аввало буларнинг таъминини амр этади ва шу билан бирга уларнинг, албатта меъёри, мезони бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шу тариқа ҳаром-ҳалолни айиради. Маишат таъмини учун исломнинг йўлидан чиқмаган маъқул. Муайян чегаралар доирасида сарватга эга бўлиб, бой бўлиш ҳалолдир. Дарвоқе, бой бўлишнинг жуда кўп йўллари бор. Аммо биз суҳбатимиз давомида тижорий ахлоқ хусусинда сўз юритмоқчимиз.

ИСЛОМДА ТИЖОРАТ АҲЛОҚИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом тижоратга ёпишинг, муҳаққақки ризқнинг ўндан тўққиз қисми тижоратдадир, деб мусулмонларни бу ишга ташвиқ этганлар. Тижорат билан шуғулланадиган мусулмонлар исломнинг савдогарчилик қоидаларига қараб иш тутиши Оллоҳнинг амридир. Бу фарзни билмоқлик лозим. Шояд, агар бу йўлни билишмаса, тўғри йўлдан айрилиб, сарватларига ҳаром аралаштириб қўйишлари мумкин. Ҳаром эса ҳамиша ўт каби ёндиради, мусулмонларнинг савоб қилмишларини ёқади. Ҳаром луқма билан парвариш топиб, овқатланганлар шайтонга қул бўлади. Ҳар тарафига фисқу фужур юқади.

Пайғамбаримиз «инсонларнинг еганлари амалларининг уруғидир» деганлар. Тупроққа ташланган уруғ нима бўлса, меваси ҳам ўшадир. Арпа экиб буғдой, аччиқ экиб ширин олинмаганлиги каби ошқозонга тушган ҳаром луқмадан кишига фойда келмайдир. Маълумки, заҳарли ўтни еган киши тўсатдан, дарҳол ўлиб қолади. Ҳаром луқма ҳам инсон юрагининг нурини дарҳол ўчиради, туйғусини ўлдиради, тафтини сўндиради. Шу боис ҳам тижорат билан шуғулланувчи қариндошларимиз исломий қоидаларни билишлари ва уларга амал қилишлари зарур.

МУСУЛМОН ТИЖЖОР-САВДОГАР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК!

Ҳар қандай савдогар олди-сотдиси пайтида ҳар икки дунёни ҳам кўз олдига келтириши зарур. Бирини унутиб, яна бирини таржеҳ қилмасин. Охиратини унутган тижжор умрни зое қилади, чунки охират фойдасини фидо қилиб қўлга киритган мол ва сарват эртага уни қутқаза олмайди. Бойлик бу дунёда қолади, уни ҳеч ким олиб кетмайди.

Ўлим тўшагида ётган бир мусулмон савдогар ўғлини ёнига чақириб, унга васият қилибди:

— Ўғлим, куним битган кўринади. Сенга бир хат қўйиб кетаман. Ўлганимдан сўнг очиб ўқийсан. Фақат илтимос, пайпоқларимни ечмасдан кўмгин...

Савдогар ўлади. Отасининг васиятини бажо келтирмоқ бўлган ўғил аввалига пайпоқларни ечмайди, бироқ бу иш тўғри бўлмас, деган кўнгилда уларни ечади. Ўликни ювиб, жаназа ўқиб кўмишади. Дафндан сўнг ўғил васиятга кўра хатни очиб ўқийди. Унда шундай дейилган экан: «Ўғлим, кўрдингки, инсон пайпоғини ҳам олиб кета олмас экан. Шу боис қўлга киритган молларингнинг қаерлардан келиб, қаерларга сарф этилганлигига диққат қил!».

Савдогар тижоратни билмаса зарар қилиши мумкин. Мусулмон тижжор абадий неъматларни муваққат манфаатлар билан алмаштирмайди.

Мусулмон савдогарлар қуйидаги хусусиятлар ва ҳолатларга диққат қилишлари керак:

1. Дунё бозори кишини охират бозоридан олиб қўймаслиги зарур. Охират бозори эса масжидларимиз ва дин илми мажлисларидир. Охират мавзуси, яъни азони Муҳаммадий бошлангач, дунё ишини қўйиб ибодатга югуриш лозим. Озон қулоғига кирмаган инсонлар дунёни охиратга, озни кўпга, ёлғонни ҳақиқатга таржиҳ қилган ақлсиз, тажрибасиз тижжорлардир. Ўлимдан ибрат олмаган ғофиллардир. Озон кишини қутулишга чақирган бир ҳоҳда хусронга югурмоқ ақл иши эмас. Озонни эшитган муаззиннинг сўзларини такрорлаб, озон битгач, унинг бирорта билган дуосини ўқимоқ керак. Пайғамбаримиз «Озон ва иқомат орасидаги дуолар ижобатсиз қолмайдир!» деганлар.

2. Тижоратни ихтиёр қилган киши яхши ва тўғри ният билан мустаҳкам эътиқодга эга бўлиши керак. Аҳли суннат номус ва шарафини сақлаш учун уринсин. Қўлга киритган ҳалол нарсаларини ҳайрли ишларга сарфлансин. Муҳтожларга ёрдам бермоқ ҳам ибодат ҳисобланади.

3. Тижорат билан шуғулланмоқ бир қисм ватандошлар учун вазифадир, чунки жамиятнинг бунга эҳтиёжи бор. Аммо бу ишда жамият ва шахсий манфаатлар ҳамиша муштарак бўлмоғи зарур. Тижжор инсонлик қоидасига кўра судхўрлик ва фоиз олиш муомаласидан узоқда турсин. Ишхонасини бисмиллоҳ билан очиб, шайтоний ишлардан қочсин, Оллоҳга сиғиниб ишласин ва қаноаткор бўлиб, закотини ўз вақтида тўлаб турсин.

4. Сабоҳ зикрларига эрк бермай, бўш вақтларини дуо ўқиш билан ўтказиши ва шу йўлда шайтоний вас-васалардан қутилиши керак.

5. Ҳирсдан қочиш керак, чунки у ёмон одат. Акс ҳолда киши роҳатсизланиб, руҳан чарчаб, қўшнилар ишига кўз тикадиган бўлиб қолиши мумкин.

6. Тортув ва ўлчов ишларида диққат қилиш диний амр ҳисобланади. Ҳийлакорлик билан қул ҳақига хиёнат қилганлар қанча тавба айласаларда, ўша кишилар ҳақини қайтара олмайдилар. Охиратда масъул бўлиб, худо ҳузурига чиқадилар.

ДУШМАН ТУЗОҒИ

Динимиз душманлари, ғанимлари мусулмонларнинг иқтисоди жиҳатдан орқада қолиши учун тижоратда ҳар хил йўллар билан ҳийлабозликни ташвиқ қилмоқдалар. Баъзан «Ҳожи бўлиб келганлар савдогарчилик қилса яхши бўлмайди» деган фикр орқали бизни тижоратдан совутмоқчи бўлмоқдалар. Бу сўзларнинг ҳақиқат билан ҳеч бир алоқаси йўқ.

Ихтикор ва фурсатчиликни талқин қилганлар дин душманларидир. Чунки ихтикор ва ҳаддан зиёда қийматфурушлик ҳаром ҳисобланади ва худо назаридан йироқдир. Олди-сотдиси жоиз бўлмаган моллар, масалан, ит, тўнғиз, эти ейилмайдиган ҳайвонлар ёғлари ҳақида хабари бўлган тижжорлар душман найрангларига учмаслиги керак. Инсонларга фойдасиз моллар, яъни ҳашарот, илон, чаён кабиларнинг сотилиши ҳам жоиз эмас. Сифати ва миқдори номаълум молни сотиш ҳам гуноҳ. Уч олтинга олган молни саккиз олтинга олдим, деб ўн олтинга сотиш ва шу орқали муштарийни алдаш ҳаром ишдир. Ёки сиз дўстимиз, олган пулимга сотяпман, дейиш ҳам айб.

Тижоратда ҳаромхўрлик қилиш ва қасам ичиш асло мумкин эмас. Тижжор қарзини ўз вақтида қайтариши ҳамда ваъда ва омонатга содиқ бўлиши керак.

Ризқни ёлғиз ва ёлғиз Оллоҳдан тилаш мусулмонлар учун энг тўғри йўлдир. Худо бизларни ана шу тўғри йўлдан айирмасин. Омин!

Қадрли муштарий!

Ушбу рисола юртимизга тижорат йўли билан келган. Собир Сайхон муқаддимада ундан кўпчиликни хабардор этиш савобдир, деган. Камина тижжор дўстларим илтимосига кўра ана шу савобдан баҳраманд бўлишга жазм этдим. Китоб таржимасидаги айрим жумлаларни ўзгартиришга тўғри келди. Баъзи сўзларнинг ҳам ўзимизга тушунарли вариантини қўлладик. Бунинг учун туркиялик шоир биздан хафа бўлмас, деган умиддаман. Ушбу инсоф ва диёнатга омухта мажмуа тижорат кундан-кунга авж олаётган ҳозирги шароитда ҳар биримиз учун фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлайман.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Обуна-93

«НАФОСАТ» ЧОРЛАЙДИ

«Нафосат» ойномаси эллик ёшга тўляпти. У ижтимоий турмуш, маданият, маънавият муаммоларини ўз саҳифаларида атрофлича таҳлил ва муҳокама этиб, кенг жамоатчилик диққатини шу қадриятлар аҳамиятига қаратиб, фикр уйғотиб, шу йўсинда халққа хизмат қилиб келмоқда.

Ойнома мураккаб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Бу йил у Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда республика енгил саноати давлат уюшмаси муассислигида чиқа бошлади. Тўғри, санъат ойноманинг асосий мавзуларидан бўлиб қолаверади. Лекин унинг саҳифаларида Ўзбекистон чинниси, пойабзал ва кийим-кечак саноати, сержило газламалари, халқ ҳунармандчилиги ютуқлари, шу соҳаларга бағишланган халқаро кўргазмалар фаолияти ҳақида ҳам фикр юритилади.

Клублар, маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар, музейлар, истироҳат ва миллий боғлар муаммоларига ҳозирги кунда «Нафосат» саҳифаларида алоҳида ўрин берилятпти. «Нафосат» тарихий-маданий меросни қайта тиклаш, унинг бойликларини оммалаштириш ишига ҳам ўз улушини қўшиб келмоқда. Янги йилда ойнома саҳифаларида Чўлпоннинг рус адиби В. Ян билан биргаликда яратган «Ҳужум» пьесаси, Фитратнинг мусиқага доир илмий мақолалари, Усмон Носир тўғрисида шоирнинг синглиси ёзган хотиралар эълон қилинади. Унинг саҳифаларида-изчил шакилланган «Маданиятимиз тарихидан», «Биз маданиятлимизми?» деган рукнлар остидаги суҳбатлар давом этади. «Истиқлол ва маданият» янги рукни остида давлат раҳбарлари, ижтимоий арбоблар, файласуфлар, тарихчилар ва олимларнинг чиқишлари билан танишасиз. Келгуси йил «Нафосат» саҳифаларида «Гўзаллик ҳақида ўйлар» рукни остида ҳам мақолалар туркуми эълон қилинади.

Биз ойноманинг янги йил режаларидан бир улушини айтдик холос: «Нафосат»нинг 1993 йилги сонлари учун обуна бўлган ихлосмандлар ойнома туҳфаларидан шак-шубҳасиз мамнун бўладилар. **«Нафосатнинг бир йиллик баҳоси — 180 сўм, ярим йилга — 90 сўм. Ойнома индекси — 75324.**

Михли САФАРОВ,
«Нафосат» ойномаси бош муҳаррири ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
●
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт —, 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70
Навбатчи муҳаррир: Аслиддин БОЛИЕВ.



БИЗНИНҢ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30. Г—394. № 209. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12